КОНСТИТУЦИЯ – ЭРКИН ВА ФАРОВОН ҲАЁТ ГАРОВИ!

2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 246 (1307), 2024 йил 4 декабрь, чоршанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ҲУДУДЛАР ИҚТИСОДИЁТИГА ЭЪТИБОР ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРГА ЗАМИН ЯРАТАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 3 декабрь куни Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Ҳудудлар иқтисодиётига эътибор натижасида Фарғонада ҳам имкониятлар юзага чиқмоқда. Сўнгги 7 йилда саноат корхоналари қарийб 3 баробар кўпайиб, 13 мингтага етган. Инвестиция лойиҳалари натижасида 116 мингта иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил июль ойидаги ташрифи иқтисодиёт ривожига янги суръат бағишлади. Бу йил 10 ойда хорижий инвестициялар ҳажми 1,5 миллиард долларни, экспорт кўрсаткичи 910 миллион долларни ташкил қилди.

Энди буни келгуси йилда ҳам давом эттириб, инвестиция, иш ўрни ва экспортни кўпайтириш зарур. Йиғилишда Президент бу борадаги имкониятлардан айримларини кўрсатиб ўтди.

Яқинда “Қўқон” эркин иқтисодий зонаси Қувасой шаҳри ҳисобидан 210 гектарга кенгайтирилди. Бу ҳудудда умумий қиймати 1 миллиард долларлик 185 та лойиҳани жойлаштириб, қарийб 12 мингта иш ўрни яратиш мумкин. Шунингдек, Қўқонда 71 гектарда технопарк ташкил этилиши биринчи босқичда 900 миллион долларлик, 5 минг иш ўрнига мўлжалланган корхоналарга йўл очади.

Хитойлик ишбилармонлар билан 1 миллиард долларлик, Жанубий Корея билан 240 миллион долларлик инвестициявий келишувларга эришилган. Уларни амалга ошириш учун вилоят туман ва шаҳарларида 1 минг 210 гектарда саноат зоналари ташкил қилишга зарурат бор. Бўлажак корхоналарда 30 минг киши, жумладан, камбағал оила вакиллари иш билан таъминланади.

Бешариқ туманида савдо-логистика маркази қурилиши бошланган. У худди Термиздагидек эркин савдо зонасига айлантирилиб, дўконлар тадбиркорларга ижарага берилади. Бунинг самарасида вилоят экспорти қўшимча 50 миллион долларга, иш ўринлари эса 2 мингга кўпаяди. Шундай мажмуани Қувасой шаҳрида ҳам барпо этиш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида ҳам катта имкониятлар бор. Фарғонада аҳоли ихтиёрида, йўл ва дала четларида, сув ва ўрмон фондида жами 91 минг гектар ер мавжуд. Улардан унумли фойдаланиб, маҳсулотларни ҳамда қайта ишлашни кўпайтириш зарур.

Масалан, Фарғона туманидаги 15 та маҳаллада йилига 6 минг тонна малина етиштирилади. Уларга яқин ҳудуддан ер берилса, тадбиркор малинани сақлаш, қайта ишлаш ва қадоқлашни йўлга қўйиб, қўшилган қийматни 2,5 карра ошириш таклифини билдирган. Бошқа бир ташаббускор Сўхдаги ўрмон ерини ижарага олиб, 800 гектарда каврак, 50 гектарда заъфарон етиштирмоқчи.

Олтиариқдаги иккита насос станциясига 9 километр қувур тортиб, қувватини ошириш орқали 1 минг 400 гектарда интенсив боғ қилса бўлади. Унда қўшимча 55 минг тонна экспортбоп мева етиштирилади.

Йиғилишда Фарғона вилояти ҳокими шу каби имкониятларни ишга солиш бўйича режаларини тақдимот қилди. Хусусан, келгуси йилда 3,7 миллиард доллар инвестиция олиб келиш, экспортни 1,5 миллиард долларга етказиш мўлжалланган. 500 минг фуқаронинг бандлигини таъминлаш, 22 минг оилани камбағалликдан чиқариш вазифа қилиб олинган.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни такомиллаштириб, вилоят иқтисодиётини ривожлантириш бўйича қарор тайёрлашга кўрсатма берди. Экспортчиларга барча қулайликларни яратиш, бандликка кўмаклашиб, ишсизликни камайтириш зарурлиги таъкидланди. Ҳокимлар ва бошқа мутасаддиларнинг бу борадаги масъулиятини ошириш шартлиги белгиланди.

ЎзА

КОНСТИТУЦИЯ – ХАЛҚЧИЛ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Айни кунларда Президентимизнинг шу йил 17 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойишига мувофиқ, мамлакатимиз бўйлаб Конституциямиз қабул қилинганининг 32 йиллиги кенг нишонланмоқда. Бу йилги байрам тадбирлари мамлакатимизда амалга оширилган тарихий ислоҳотлар, 8 йиллик жуда қисқа даврда эришилган улкан натижалар, ортга қайтмас янгиланишларнинг бугунги шиддатли босқичига ҳамоҳанг ўтаётганида ҳам ўзига хос маъно мужассам. Зеро, асосий қонунимиз миллий давлатчилигимиз, суверенитетимиз, эришилган барча ютуқ ва марралар, эртанги кунимиз, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Шу боис, Конституциянинг мамлакатимиз тараққиётидаги беқиёс аҳамиятини юксак қадрлаймиз. Хусусан, янги таҳрирдаги Конституцияда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади ижтимоий давлат қуриш экани белгилаб берилди. Ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланди.

Бугун янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги барча ислоҳотларда қонун устуворлигини таъминлаш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Янги таҳрирдаги Конституция янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу сана ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, мамлакатимиз ривожида алоҳида маъно-мазмунга эга. Бу, энг аввало, 2023 йил 30 апрелда миллий тарихимизда биринчи марта умумхалқ референдуми асосида Конституциямиз янги таҳрирда қабул қилингани билан боғлиқ, десак, янглишмаган бўламиз. Ҳеч шубҳасиз, халқчил асосий қонунимиз янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар ортга қайтмаслиги, қонунлар устуворлигининг мустаҳкам ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.


Давоми 3-бетда

8 ДЕКАБРЬ – УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ



ЎЗБЕКИСТОН – ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ

Конституциямизда белгиланган беш асосий тамойил – СУВЕРЕН, ДЕМОКРАТИК, ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ ва ДУНЁВИЙ давлат мақсадларининг иккинчи таҳлили



13-МОДДА.

Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

Ўз олдига буюк ва эзгу мақсадларни қўйган янги Ўзбекистон ёруғ истиқбол сари жадал илдамламоқда. Бугун ҳар қадамимиз янгиланиш ва ўзгаришларга ҳамоҳанг. Ислоҳотлар кириб бормаган маҳалла ёки овул, ҳаётида янгиланишларни сезмаган ёхуд ҳис қилмаган юртдошимиз қолмади ҳисоб. Қисқа айтсак, ислоҳотлар авж палласида яшаяпмиз.



Президентимиз лавозимига киришган дастлабки давранок инсон манфаатлари, халқ розилигига устувор аҳамият қаратди. Ватан шаъни ва обрўси, миллат келажаги учун хайрли ташаббусларга бош-қош бўлди. Натижада юртимиз тарихан жуда қисқа фурсатда оламшумул янгиланишларга эришди, давлат одамлар муаммоларига, орзуларига қулоқ тутди.

Халқ ҳаётини ичдан биладиган ягона тизим маҳалладир. Бу тизимга эътибор қаратиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш мақсад қилинди. Бугун одамларни қийнаётган муаммоларни маҳалланинг ўзи ечадиган халқчил тизим яратилди. Бу, аввало, юқори ташкилотларнинг халққа яқинлашувида акс этди. Натижада амалдорлар ва оддий халқ орасидаги девор олиб ташланди. Одамларда давлатга ишонч ҳисси пайдо бўлди. Сўз эркинлигига кенг йўл берилди.

Яна бир жиҳат: қабул қилинадиган қонунларимизда, давлат даражасидаги муҳим ҳужжатларда халқ фикри инобатга олиниши белгиланди. Шу нуқтаи назардан, янги таҳрирдаги Конституция халқимиз розилиги, ишончи, орзу-истак ва талабларининг ёрқин ифодаси, дея оламиз. Бош қонунимиз том маънода халқ Конституцияси бўлди.

Аҳоли турмуш даражасини кўтариш кафолатлари Конституциянинг янги таҳририда янада кучайтирилди. Бундан ташқари, Конституциямиздаги ўзгаришлар қатор сиёсий ислоҳотларни назарда тутади. Парламент фаолияти тубдан ўзгартирилгани бунинг ёрқин мисолидир. Қонунлар сифати ва таъсирчанлигини оширишга, уларнинг ижросини самарали ташкил этишга эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2023 йил 8 майда *Олий Мажлис палаталари аъзолари, сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакиллари билан умумхалқ референдуми якунлари бўйича ўтказилган учрашувдаги нутқида* Сенатнинг фаолияти ҳудудлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, маҳаллий кенгашларга ҳар томонлама кўмаклашиш, жойларда, айниқса, маҳаллаларда қонунлар ижросини таъминлашга йўналтирилиши зарурлигини қайд этди.

Бундан келиб чиқадики, энди депутат ва сенаторлар пастга тушиб, кўпроқ одамларнинг дардига қулоқ тутади, муаммоларини эшитади, аниқ ечимлар беради. Натижада халқ розилигига эришилади. Аслида, халқимиз орзу қилган янги Ўзбекистон, янги ҳаёт мана шудир.

ТАҲРИРИЯТ



Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан — Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати — беш йил.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 91-моддаси.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Кейинги йилларда Ўзбекистон демократик янгиланишлар, жадал ривожланиш ва кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатига айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, "Ўзбекистон — 2030" стратегияси доирасида жамиятимизнинг барча соҳаларида муҳим ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

8 ДЕКАБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

ЯНГИ ДАВРДА ПАРЛАМЕНТ ЧИНАКАМ ХАЛҚ УЙИГА АЙЛАНИШИ КЕРАК

Инсоннинг фундаментал ҳуқуқларидан яна бири шаън ва қадр-қиммат ҳимоясига бўлган ҳуқуқидир. Шаън инсоннинг бошқа одамлар олдида маънавий обрўси бўлса, инсон қадр-қиммати шахснинг жамият аъзоси сифатидаги мавқеини англашдир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа халқаро ҳужжатларда инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг ор-номуси, шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар ошкор бўлишига олиб келадиган, ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўядиган, тини бўйига олди. Бугун Бош қонунимизда ўз аксини топган нормалар бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. 2025 йил юртимизда "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили" деб эълон қилинганини юртимизда она табиатни асраб-авайлаб, экологик барқарорликни таъминлашга қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги яна бир ифодаси, десак айни ҳақиқатдир.

Конституциявий ислоҳотлар натижаси ўлароқ, парламентнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳам янада ошди. Энг аввало, янги таҳрирдаги Конституция билан Олий Мажлис палаталарининг ваколатлари бир неча баробар ортди. Хусусан, Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатига ўтказилди. Унинг номзодини тақдим қилишдан олдин эса Президент томонидан барча сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш тартиби жорий этилди.

Шунингдек, Президентнинг айрим ваколатлари парламентга ўтказилди. Масалан, монополияга қарши орган ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги раҳбарларини Сенат томонидан сайлаш белгиланди. Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини Сенат томонидан сайлаш тизими киритилди.

Янгиланган Конституция билан парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти ҳам сезиларли даражада такомиллашди. Энди нафақат у ёки бу қонунчилик ташаббуси субъекти, балки 100 мингдан кам бўлмаган оддий фуқаролар ҳам ўзининг қонунчилик таклифини парламентга киритиши мумкин. Бош қонунимизга бундай қоиданинг киритилиши давлат ишларини бошқаришда фуқароларнинг иштирокини янада кенгайтиради.

Бундан ташқари, қонун Сенат томонидан олтмиш кун ичида кўриб чиқилиши белгиланди. Агар ушбу муддат ичида Сенат тегишли қарорни қабул қилмаса, Қонунчилик палатаси томонидан қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун тўғридан тўғри Президентга юборилиши мумкин. Қолаверса, парламент назоратининг муҳим шакли бўлган парламент текшируви институти ҳам Конституцияда алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда ҳукумат аъзолари Қонунчилик палатасига ҳисобот бериши кўрсатилиб, унинг якуни бўйича ҳатто у ёки бу ҳукумат аъзосини истеъфога чиқариш тўғрисида давлат раҳбарига таклиф киритиш ҳуқуқи берилди. Албатта, бундай йирик ислоҳотлар депутатларнинг сайловчилар олдидаги масъулиятини оширади. Чунки бугун фуқароларимизда давлат ва жамият бошқарувидаги дахлдорлик ҳисси кундан кунга ошиб боряпти.

Мана шуларнинг барчаси "халқ вакили деган номга лойиқ бўлган" депутатлик корпусини шакллантиришда муҳим омил бўлди. Мамлакатимизда жорий йилда парламент ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган аралаш тизимдаги сайловда халқимиз фақатгина шахсга қараб эмас, балки у ёки бу ғояга қараб ҳам ўз танловини амалга оширди. Бунда сайловчиларимиз парламент қуйи палатаси аъзоларининг ярмини мажоритар, қолган ярмини эса пропорционал сайлов тизими асосида шакллантирди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг жорий йил 18 ноябрь куни бўлиб ўтган биринчи мажлисида Президентимиз бу йилги парламент сайловининг энг муҳим жиҳатлари ҳақида тўхталиб, аввало, улар янгиланган Конституциямизга мувофиқ ўтказилган илк сайлов сифатида тарихга кирганини алоҳида қайд этди.

Мажлисда парламентаризм ривожи йўлида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди ва олдимизда турган муҳим вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, янги даврда парламент чинакам халқ уйи, унинг қуйи палатаси эса ғоялар генераторига, соғлом рақобат, баҳс ва мунозаралар майдонига айланиши кераклиги таъкидланди.

Шу билан бирга, парламент фаолиятини янада ривожлантириш, юртимизда аҳоли фаровонлигини оширишга йўналтирилган дастур ва лойиҳаларни қабул қилишдан тортиб, ижроси тўлиқ таъминланишигача бўлган жараёнда депутатларнинг иштирокини кенгайтириш борасидаги вазифалар белгиланди. Парламент назоратини тўлақонли таъсирчан институтга айлантириш, тўғридан тўғри ишлайдиган ва аниқ ижро механизмларига эга қонунларни ишлаб чиқиш лозимлигига урғу берилди.

Албатта, бундай муҳим вазифаларни амалга ошириш халқ вакилларидан янада фаол ва ташаббускор бўлишни талаб этади. Бу борада кўзланган натижаларга эришиш, қолаверса, сайловчиларимизнинг бизга билдирган ишончини оқлаш учун бор салоҳиятини ишга солган ҳолда фаолият юритиш ҳар бир депутат зиммасидаги муҳим вазифа бўлиб қолади.

Ушбу жараёнда миллий парламентаризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари ҳам мустаҳкамланди. Ўтган қисқа даврда парламентнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти тубдан ўзгарди. Аввало, парламент фаолиятида очиқлик ва шаффофлик бош мезонга айланди. Жумладан, Олий Мажлис палаталари мажлислари, парламент назорати тадбирларини тўғридан тўғри эфирга узатиш амалиёти йўлга қўйилди.

Пандемия шароитида дунёнинг қатор парламентлари ўз мажлисларини вақтинча тўхтатган вақтларда ҳам миллий парламентимиз бир кун ҳам ўз ишини тўхтатмади. "Электрон парламент" механизмларидан самарали фойдаланган ҳолда барча муҳокамалар жараёни онлайн тарзда давом этди. Парламент фаолиятининг илмий-таҳлилий таъминоти мустаҳкамланди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузурида Парламент тадқиқотлари институти ташкил этилди.

Қонун ижодкорлиги фаолияти сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Жумладан, қонун лойиҳаларининг халқаро шартномалар, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича тавсияларга мослигини ўрганиш амалиёти йўлга қўйилди. Тўғридан тўғри амал қиладиган қонунларни қабул қилишга эътибор кучайтирилди. Муайян соҳадаги бир неча қонун ўрнига ягона кодекс қабул қилиш амалиёти қарор топди. Масалан, Сайлов кодекси, янги Меҳнат кодекси, Тадбиркорлик кодекси ва бошқаларни санаб ўтиш мумкин.

Илгари қонунчилик ташаббуси субъектлари парламентга қонун лойиҳасини киритиш билан кифояланиб, уни депутатлар олдида ҳимоя қилишга унча эътибор қилмас эди. Натижада бошқа ташаббускорлар киритган қонун лойиҳасини ҳам депутатларнинг ўзи тақдимот қилишга ва уни ҳимоя қилишга мажбур бўлар эди. Бу эса лойиҳанинг қизғин муҳокама қилинишига салбий таъсир кўрсатарди. Энди эса қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилаётганда қонунчилик ташаббуси субъектининг ўзи маъруза билан чиқиб, уни ҳимоя қилмоқда. Қонун лойиҳасининг муҳокамаси том маънода фаоллашди, унга холис баҳо бериш тизими янада такомиллашди.

Парламентнинг назорат қилиш ваколатлари ҳам сезиларли даражада кенгайтирилди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли давлат дастурлари ижроси бўйича парламент олдида доимий ҳисобот бериш амалиёти йўлга қўйилди. Парламент назоратининг ушбу шакли ҳукуматнинг халқ вакиллари олдидаги масъулиятини ошириш йўлидаги муҳим қадам бўлди. "Ҳукумат соати" институти амалиётга жорий этилгани парламент назорати фаолиятига янгича руҳ олиб кирди, десак янглишмаймиз. Зеро, бугунги кунда аҳолини ташвишга солиб келаётган ҳаётий долзарб муаммоларга айнан "Ҳукумат соати" тадбирларида ечим топилмоқда.

Илгариги тизимдан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети қонун шаклида қабул қилинмоқда. Ўз навбатида, бюджет ижроси устидан парламент назорати ҳам энди вазирлик ва соҳалар кесимида мазмунли олиб борилмоқда.

Бугунги кунда нафақат ҳукумат фаолиятини назорат қилиш, балки ҳукумат аъзолигига номзодларни Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқиш ва маъқуллаш амалиёти жорий этилган. Бу эса ҳукумат таркибини шакллантиришда халқ вакилларининг бевосита иштирокини таъминламоқда.

Парламент фаолиятида сайловчилар депутат олдига эмас, балки депутат ўз сайловчилари ҳузурига бориши шарт, деган тамойил устуворлик касб этди. Илгари депутатлар ўз сайловчилари билан чоракда бир марта учрашган бўлса, бугунги кунда депутатлар ҳар ой сайлов округларида бўлиб, уларни қийнаб келаётган муаммолар билан шуғулланмоқда. Ахборот майдонида ҳам депутатлар фаолияти сезиларли даражада фаоллашди. Депутатлар турли ижтимоий тармоқларда ўз саҳифалари ва каналларини очиб, аҳоли билан қайта алоқани йўлга қўймоқда.

Кейинги йилларда парламентда ёшларнинг ўрнини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Олий Мажлиснинг иккала палатаси ҳузурида ташкил этилган Ёшлар парламенти бугунги кунда чинакам ёшлар ва парламент ўртасидаги кўприк вазифасини бажармоқда. Буни 5 йил ичида Ёшлар парламенти 100 дан ортиқ қонун муҳокамаларида ҳамда



Жаҳонгир ШИРИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси

парламент қўмиталари билан ҳамкорликда 80 дан зиёд назорат-таҳлил фаолиятида иштирок этгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Конституция давлатнинг бош қонуни бўлиб, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солади. У мамлакат ҳуқуқий тизимида устун мавқега эга. 2023 йил 30 апрель куни бевосита халқимизнинг иродаси асосида, умумхалқ овози, референдум йўли билан янги таҳрирдаги Конституция қабул қилинди. У олдинги Конституцияга нисбатан қарийб 65 фоиз янгиланди. Бош қонунимизда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баробар ошгани эътиборга молик.

унга азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар тақиқланган.

Конституциямизда ҳам инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсиз экани, ҳеч нарса уларни камситиш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги ўз ифодасини топган. Миллий қонунларимизда эса инсон шаъни ва қадр-қимматига қарши содир этилган қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган.

Шу билан бирга, айбсизлик презумпцияси янада кучайтирилди. Жумладан, илгариги Конституциямизда шахснинг иши судда кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмаслиги белгиланган бўлса, энди суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча у айбсиз ҳисобланиши мустаҳкамланди.

Яна бир муҳим норма — агар шахснинг ўз айбини тан олгани унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги, ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланди. Ҳатто қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳам юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилиши белгиланди.

Бош қонунимизда инсоннинг ижтимоий ҳуқуқларига оид кўплаб қоидалар киритилди, энг аввало, Ўзбекистон ижтимоий давлат деб эълон қилинди. Бу билан эса давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч баробар ортди. Жумладан, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсонга муносиб яшашини таъминлашни ҳисобга олган ҳолда белгиланиши назарда тутилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда биринчи маротаба инсоннинг экологик ҳуқуқлари кафолатлари белгилангани диққатга сазовор. Хусусан, ҳар кимнинг қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилди. Давлат атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мажбурияти томонидан қонун имзоланиши ва эълон қилиниши учун тўғридан тўғри Президентга юборилиши мумкин. Қолаверса, парламент назоратининг муҳим шакли бўлган парламент текшируви институти ҳам Конституцияда алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда ҳукумат аъзолари Қонунчилик палатасига ҳисобот бериши кўрсатилиб, унинг якуни бўйича ҳатто у ёки бу ҳукумат аъзосини истеъфога чиқариш тўғрисида давлат раҳбарига таклиф киритиш ҳуқуқи берилди. Албатта, бундай йирик ислоҳотлар депутатларнинг сайловчилар олдидаги масъулиятини оширади. Чунки бугун фуқароларимизда давлат ва жамият бошқарувидаги дахлдорлик ҳисси кундан кунга ошиб боряпти.

Мана шуларнинг барчаси "халқ вакили деган номга лойиқ бўлган" депутатлик корпусини шакллантиришда муҳим омил бўлди. Мамлакатимизда жорий йилда парламент ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган аралаш тизимдаги сайловда халқимиз фақатгина шахсга қараб эмас, балки у ёки бу ғояга қараб ҳам ўз танловини амалга оширди. Бунда сайловчиларимиз парламент қуйи палатаси аъзоларининг ярмини мажоритар, қолган ярмини эса пропорционал сайлов тизими асосида шакллантирди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг жорий йил 18 ноябрь куни бўлиб ўтган биринчи мажлисида Президентимиз бу йилги парламент сайловининг энг муҳим жиҳатлари ҳақида тўхталиб, аввало, улар янгиланган Конституциямизга мувофиқ ўтказилган илк сайлов сифатида тарихга кирганини алоҳида қайд этди.

Мажлисда парламентаризм ривожи йўлида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди ва олдимизда турган муҳим вазифалар белгилаб берилди. Жумладан, янги даврда парламент чинакам халқ уйи, унинг қуйи палатаси эса ғоялар генераторига, соғлом рақобат, баҳс ва мунозаралар майдонига айланиши кераклиги таъкидланди.

Шу билан бирга, парламент фаолиятини янада ривожлантириш, юртимизда аҳоли фаровонлигини оширишга йўналтирилган дастур ва лойиҳаларни қабул қилишдан тортиб, ижроси тўлиқ таъминланишигача бўлган жараёнда депутатларнинг иштирокини кенгайтириш борасидаги вазифалар белгиланди. Парламент назоратини тўлақонли таъсирчан институтга айлантириш, тўғридан тўғри ишлайдиган ва аниқ ижро механизмларига эга қонунларни ишлаб чиқиш лозимлигига урғу берилди.

Албатта, бундай муҳим вазифаларни амалга ошириш халқ вакилларидан янада фаол ва ташаббускор бўлишни талаб этади. Бу борада кўзланган натижаларга эришиш, қолаверса, сайловчиларимизнинг бизга билдирган ишончини оқлаш учун бор салоҳиятини ишга солган ҳолда фаолият юритиш ҳар бир депутат зиммасидаги муҳим вазифа бўлиб қолади.



МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ЗИММАСИДАГИ КАТТА МАСЪУЛИЯТ

Янги таҳрирдаги Конституциямизда халқ депутатлари кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланадиган раис бошчилик қилиши, вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари кенгаши раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилди.

Шунингдек, халқ депутатлари кенгашларининг ваколатлари муддати беш йил бўлиб, айни бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ айни бир вилоят, туман, шаҳар халқ депутатлари кенгаши раиси этиб сайланиши мумкин эмаслиги ҳам белгиланди.

Албатта, Бош қонунимизда бундай муҳим тамойилларнинг акс эттирилиши бежиз эмас. Зеро, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқаришда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолияти муҳим ўрин тутади. Шу боис, бу тизимни ривожлантириш демократик тараққиётни кўзлаган ҳар бир давлат фаолиятида муҳим мезон саналади.

Яқин ўтмишда бу тизим фаолияти мақтанарли даражада эмасди. 1992 йилгача мамлакатимизда бир муддат маҳаллий давлат ҳокимиятига икки раҳбар бошчилик қилган ҳолатлар ҳам бўлган. Ўша вақтда айрим раҳбарлар долзарб муаммоларни ҳал қилиб, ҳудудни ривожлантириш ўрнига обрў талашишдан ортмай қолгани ҳам бор гап.

Президентимиз Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида бу масалалар хусусида тўхталиб, бундай хатолардан тўғри хулоса чиқарилиши лозимлигини таъкидлади. Маҳаллий бошқарувда сифат жиҳатидан янги модель жорий этилаётган ҳозирги вақтда Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри кенгашларига ҳокимлар эмас, балки депутатлар орасидан сайланган кенгаш раислари бошчилик қилиши билан боғлиқ сиёсий ислоҳот натижасида бундай муаммоларга оқилона ечим топилгани, бу эса халқимизнинг 30 йиллик орзусини рўёбга чиқаришга хизмат қилганини алоҳида қайд этди.

Айтиш жоизки, маҳаллий кенгашларга раислик қилиш инсондан катта ҳаётий тажриба талаб қилади. Бу лавозимдаги киши халқ дардини ўз дарди деб билиши, одамлар орасида катта обрўга эга бўлиши, ҳудудидаги муаммоларни яхши билиши, уларнинг ечимига оид долзарб вазифаларни кун тартибига кўтара оладиган шахс бўлиши лозим.

Мамлакатимизда жорий йил 27 октябрь куни очиқлик, ошкоралик, демократия тамойиллари асосида бўлиб ўтган сайлов ана шундай муносиб инсонларни маҳаллий кенгашлар депутати этиб сайлашда муҳим омил бўлди. Шу билан бирга, ушбу сайлов давлатимиз ва жамиятимиз ривожида ҳам, маҳаллий кенгашлар фаолиятида ҳам янги даврни бошлаб берди. Янги сайланган маҳаллий кенгашлар таркиби ва мақомига кўра олдинги ҳолатдан мутлақо фарқ қилади. Уларнинг таркиби қарийб 60 фоиз янгиланиб, 3 мингдан ортиқ юртдошимиз илк бор депутат бўлгани ҳам шундан далолат беради.

Айниқса, маҳаллий кенгашларда аёл депутатлар улуши 32 фоизга етгани, 30 ёшгача бўлган депутатлар сони 3,5 карра ошиб, 266 нафарни ташкил этгани соҳадаги ишларни янгича ёндашув ва қарашлар асосида ташкил этишда муҳим роль ўйнайди. Айни кунларда маҳаллий кенгашлар депутатлари ўз вазифасига киришар экан, халқимиз билдирган ишончни оқлаш, ҳудудлар ривожи ва юрт фаровонлигига хизмат қиладиган дастур ва лойиҳаларда белгиланган вазифаларни ўз вақтида рўёбга чиқариш борасида қизғин иш олиб бормоқда.



"Маҳаллий кенгашлар иши бир қарашда сезилмаётгандек туюлиши мумкин. Аммо мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги ислоҳотларда уларнинг ўрни муҳим. "Маҳалла еттилиги"га кўмаклашиш, маҳаллаларда қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини таъминлашда ҳам маҳаллий кенгашлар депутатлари ва маҳалла фаоллари ҳамкорлиги муҳим омил бўлмоқда.

Шу билан бирга, демократик ислоҳотлар натижасида маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолияти тубдан такомиллашмоқда. Маҳаллий кенгашларга кўп ваколатлар берилиб, мақоми анча оширилди. Масалан, маҳаллий кенгашлар 15 дан ортиқ масала бўйича қарор қабул қилиш ваколатига эга. Қолаверса, ҳокимларнинг 33 та ваколати кенгашларга олиб берилди, яна 17 та ваколатни ўтказиш режалаштирилмоқда.

Мисол учун, ичимлик сув тарифига устама, давлат объектлари ва бозорларда ижара тўловлари каби жами 7 турдаги маҳаллий йиғим миқдорини тасдиқлаш ваколати ҳам маҳаллий кенгашларга ўтказилиши кўзда тутилган. Шунингдек, кенгаш сўрови ва кенгаш текшируви каби янги механизмлар орқали ҳудудий ижро органлари фаолияти устидан назорат кучайтирилади.

Маҳаллий кенгашлар иши бир қарашда сезилмаётгандек туюлиши мумкин. Аммо мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги ислоҳотларда уларнинг ўрни муҳим. "Маҳалла еттилиги"га кўмаклашиш, маҳаллаларда қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги ва асослилигини таъминлашда ҳам маҳаллий кенгашлар депутатлари ва маҳалла фаоллари ҳамкорлиги муҳим омил бўлмоқда.

Айни пайтда ўзгараётган давр, янгиланаётган замон барча соҳалар қатори маҳаллий кенгашлар фаолиятини ҳам янада такомиллаштириш борасида долзарб вазифаларни кун тартибига кўтармоқда. Президентимиз Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида бу борада тўхталиб, қатор янги ташаббус ва ғояларни илгари сурди. Жумладан, энди Сенат қонунларни муҳокама қилишда янгича механизмларни жорий этиши, айниқса, қонун ижодкорлиги жараёнига маҳаллий кенгашларни кенг жалб қилиш, ҳар бир қонун бўйича уларнинг фикрини олиш амалиётини йўлга қўйиши муҳимлиги қайд этилди.

Шунингдек, маҳаллий кенгашлар томонидан ҳар ярим йилда қилинган ишлар бўйича матбуот анжуманлари ўтказиш амалиёти йўлга қўйилиши, ҳудудларни ривожлантиришга оид дастурлардаги вазифалар ижроси бўйича депутатлик ва кенгаш назоратини амалга оширишда фаол ва ташаббускор бўлиш замон талабига айланмоқда.

Бюджет муносабатлари соҳасида ҳам маҳаллий кенгашлар жуда катта ваколатларга эга. 2025 йилда ер, мол-мулк ва айланма солиқларини тўлиқ, даромад солиғининг эса камида 50 фоизини туман ва шаҳарларнинг ўзида қолдириш бўйича қарор қабул қилиш кўзда тутилгани маҳаллий кенгашларнинг жамиятимиздаги ролини янада оширишда муҳим қадам бўлади. Натижада 2025 йилда туман ва шаҳарлар бюджетлари даромади 9,4 триллион сўм ёки 47 фоиз ошади.

Бу ислоҳотлар туман ва шаҳарлардаги масъул ва мутасадди шахслар ўз ҳудудларидаги муаммоларни мустақил ҳал этиши учун имкониятни тубдан ошириш баробарида маҳаллий кенгашлардан яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, аҳолини қийнаётган масалалар ечими бўйича асосли ташаббусларни илгари суришни ҳам талаб этади.

Зеро, бу хайрли ишлар юрт ободлиги, халқимизнинг турмуш фаровонлиги, ёруғ келажагимиз кафолати бўлади. Шу боис, бу борадаги чора-тадбирлар рўёбга чиқишида жойлардаги халқ вакилларининг доимий ташаббускорлиги юртимиз тараққиётини янада юксалтиришдек эзгу ишлар бардавом бўлишига хизмат қилади.

Баҳор ХИДИРОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 143-моддасидан.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

КОНСТИТУЦИЯ – ХАЛҚЧИЛ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОШ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Нигматилла ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори

Бошланиши 1-бетда

Қонун ҳукмрон бўлган жамиятда, албатта, адолат, сиёсий-ижтимоий барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва юксалиш бўлади, инсон қадри, ҳуқуқи ва манфаатлари таъминланади. Янги таҳрирдаги Конституция давлатчилик, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди. Мамлакатимизда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи янги таҳрирдаги Конституциямизни ёқлаб овоз бергани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди. Шу билан бирга, бош қонунимизда халқимизнинг янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топганини ифода этади.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 7-моддаси биринчи бандида “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи” деган норма белгилаб қўйилган. Бу норма тимсолида Ўзбекистон Республикасида жаҳон миқёсида умумэътироф этилган халқ ҳокимиятчилиги принципи, яъни халқ суверенитетнинг асосчиси ва давлат ҳокимиятининг ягона манбаи эканини англатувчи тамойил мустаҳкамлаб қўйилган.

Шундан келиб чиқиб, янги Ўзбекистон инсон шаъни ва қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари олий қадриятга айланган давлат бўлиши, халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши, “одамлар ташвиши билан яшаш”, барча муҳим қарорлар аҳоли иштирокида, фуқаролик жамияти институтлари билан маслаҳатлашув асосида қабул қилиниши каби принцип ва ғояларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Зеро, демократиянинг талабу таомили ва устунлиги ҳам шунда.

Бу жараёнда қонун чиқарувчи ва ижро органларидан инсон ҳуқуқларини таъминлаш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламент ва сиёсий партиялар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, ҳокимият тармоқларини тийиб туриш ва мувозанатни сақлашда парламент ролини ошириш, давлат хизматлари сифати ва самарадорлигини яхшилаш, давлат органлари фаолиятининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда парламент ва жамоатчилик назорати механизмларини амалга татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.

Шу маънода, жорий йил 27 октябрда парламент ва маҳаллий кенгашларга сайловларни халқимиз ҳоҳиш-иродасини ифода этган сиёсий танлов сифатида баҳолаш мумкин. Зеро, Конституциямизнинг 128-моддасида ҳам фуқаролар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани белгиланган. Овоз бериш ҳуқуқи, ҳоҳиш-иродасини билдириш теңлиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланган.

Бу муҳим воқеа “Менинг танловим — обод Ватаним” шиорида, ривожланган ижтимоий-сиёсий муҳитда, бешта сиёсий партиянинг тенг рақобат кураши остида ўтди. Ўзбекистон тарихида илк бор Олий Мажлис Қонунчилик палатаси сайловлари аралаш сайлов тизими, яъни мажоритар-пропорционал тизим асосида ўтказилди.

Депутатларнинг 75 нафари бевосита мажоритар тизим асосида, яъни сайловчилар ўзига мақбул номзодларга овоз бериши йўли билан, қолган 75 нафари эса пропорционал тизим бўйича, сиёсий партияларга берилган овозлар асосида сайланди.

Сайлов қонунчилиги илғор демократик стандартларга мос равишда тубдан такомиллаштирилди. Сайловга 2023 йил 18 декабрь куни қабул қилинган конституциявий қонун — Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси ва “Референдум тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича конституциявий қонун асосида тайёргарлик кўрилди.

Бу галги сайловнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда 2023 йили умумхалқ референдуми асосида қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ, аҳолининг айрим гуруҳлари учун сайлов ҳуқуқларини чеклаш бекор қилинди. Бу халқаро стандартларга тўлиқ мос келади. Бундан ташқари, қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартиришларга кўра, сенаторлар сони 100 нафардан 65 нафарга қисқартирилди ҳамда ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратининг янги механизмлари жорий этилди.

Сайлов тизимини ислоҳ қилиш бўйича қонунчилик жараёни расмий равишда жамоатчилик маслаҳатини ўз ичига олган бўлиб, фуқароларга ўз таклифларини билдириш имконини берди.

Бу эса Конституция асосида инсоннинг сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликларини амалга ошириши, давлат органларининг демократик асосда шаклланишини таъминлаш, жамиятнинг демократик сиёсий тизимини шакллантиришга кўмаклашиш ҳамда демократик институтлар, фуқаролик жамияти институтлари ролини кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш кафолатидир.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистоннинг беш устуни, яъни суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани қатъий белгилаб қўйилди. Матн мазмуни тубдан такомиллаштирилиб, янги боб ва моддалар билан бойитилди. Ўзбекистон Конституциясига “дунёвий ва ижтимоий давлат” таърифи киритилди, ўзбек халқининг фаровон келажагини таъминлашга қаратилган эркин бозор иқтисодиёти асослари мустаҳкамланди, Президентнинг айрим ваколатларини парламентга ўтказиш орқали демократлашув жараёни жадаллаштирилди. Интеллектуал мулкдан тортиб, инклюзив таълимгача бўлган муҳим ҳуқуқлар кафолатланди.

Ушбу конституциявий референдум билан халқ ва давлат ўртасидаги “ижтимоий келишув” янгиланди ва янада мустаҳкамланди. Янги таҳрирдаги Конституцияни қабул қилиш учун сайлов ёшидаги аҳолининг 90 фоиздан зиёди овоз бергани халқимиз Президентга ишонаётганидан, мамлакатимиздаги сиёсатни қўллаб-қувватлаётганидан, давлатимизнинг ижтимоий ва қонунчилик сиёсати изчил давом этишига чин дилдан умид қилаётганидан, энг муҳими, халқимизнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқараши юксалганидан далолат.

Бугунги Ўзбекистон маррани жуда баланд олган. Чунки глобаллашув жараёни шиддати, жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг ривожланиш тадрижи шуни тақозо этмоқда. Ҳар бир соат, ҳар бир кундан самарали, унумли фойдаланиш сув ва ҳаводек зарур. Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституцияси мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёт стратегиялари, умуман, юрт ва халқнинг эртанги фаровон ҳаёти учун мустаҳкам ҳуқуқий асос ҳамда ишончли кафолат яратади.

Президентимизнинг сиёсий иродаси билан бошланган ўзгаришлар нафаси халқимизга чинакам эрк берди, қадрини юксакка кўтарди. Халқимиз буни қалбдан ҳис қилиб турибди. Шунга яраша халқимизнинг дунёқараши ҳам ўзгарди. Ҳар қандай ислоҳот ё давлат тизимини ўзгартириш, ё халқ ҳаётини янгилаш, ё иқтисодиётга қаратилганига кўп гувоҳ бўлганмиз, лекин Ўзбекистонда 2016 йилдан бошланган ислоҳотлар бутунлай бошқача мазмун касб этди.

Ислоҳотлар марказида инсон тургани қолган барча янгиланишлар мана шу инсон атрофида кечгани бутун дунё учун янгилик бўлди деб айтишга тўла асослар бор. Шунинг учун ҳам ислоҳотлар негизида намоён бўлган инсон нафақат ҳаёти ўзгаришини, балки бутун тафаккури янгиланишини, ўз ҳуқуқлари конституциявий таъминланишини исташи табиий.

Инсон қадри топталадиган, ҳаёти, тақдири кимларнингдир хоҳиш-истаги билан бошқариладиган, давлат қудрати эса табиий бойликлари, ҳарбий кучи, иқтисодий имкониятлари билан ўлчанадиган даврлар аллақачон ўтиб кетган. Бугун халқнинг, энг аввало, турмуш даражаси, ҳуқуқлари, интеллекти, дунёқараши, тафаккур оламига қараб баҳо бериш урфга кирди. Инсон тафаккури, ҳаётдан розилик даражаси, ҳақ-ҳуқуқлари сўзсиз таъминланиши ҳар қандай давлат қудратидан муҳимроқ. Бугун Ўзбекистон танлаган йўл инсонни қадрлаш, яхши кўриш, рози қилишга қаратилгани билан ҳам дунёни ҳайратга солмоқда.



Конституцияни янгилаш эҳтиёжи ҳам шу талаблардан келиб чиқди. Ўзбекистонда, аввало, инсон қадри биринчи ўринга кўтарилди. Янги таҳрирдаги Конституциямизда инсон жамият ва давлатдан устун қўйилди. Қисқаси, биз ижтимоий давлат қуриш сари йўл оляпмиз. Конституцияда ҳам бу масала муҳрланди.

Ижтимоий давлатда ҳар бир инсон учун муносиб яшаш шароити кафолатланади. Ҳеч ким эътибордан четда қолмайди. Бир инсон муаммосига бутун жамият муаммоси сифатида қаралади. Одамлар ўз ташвиши ва қийинчиликлари билан ёлғиз қолдирилмайди.

Прокуратура органлари ходимлари асосий қонунимизда мустаҳкамланган нормалар асосида ҳар бир фуқарога ғамхўрлик қилиш, инклюзив ривожланиш, аҳолининг барча қатлами учун тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлашга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, ижтимоий-иқтисодий соҳага оид қонунлар, Президент қарорлари ижросини таъминлаш борасида асосий эътибор аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, муҳтож оилалар, ёшлар ва хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилди.

Биргина прокурорлар секторидаги “Темир дафтар”га киритилган 7 мингдан ортиқ оилага ҳар томонлама кўмак берилди. Бундан ташқари, прокурорлар кўмаги билан қарийб 40,5 минг хотин-қиз ишга жойлаштирилди. 4 мингдан зиёд ёш иш билан таъминланди, 5 мингга яқини касб-ҳунар ва хорижий тилларни ўрганиш курсларига жалб этилди.

Шу ўринда бир масалага эътибор қаратмоқчиман. Янги таҳрирдаги Конституциямизда давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари 3 баробар кўпайтирилди. Бу рақамни айтиш осон, лекин уни амалда таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Мамлакатимизда “Қонун — устувор, жиноятга жазо муқаррар” деган эзгу тамойил асосида қонунийликни таъминлаш борасидаги ишларда прокуратура ходимлари жонбозлик кўрсатиши лозим деб ўйлайман. Халқимизнинг оғирини енгил қилиш, янги иш ўринлари яратиш, камбағалликка қарши курашишга қаратилган дастурлар ижросини назорат қилиш, атроф-муҳит, табиий бойликлар ва маданий меросимизни кўз қорачиғидек асраш, тиббиёт, таълим ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларни рўёбга чиқаришда локомотив бўлиш ҳамда бу борада қонун бузилишига қарши муросасиз курашиш прокуратура ходимларининг конституциявий бурчи ва энг асосий вазифасидир.



Янги таҳрирдаги Конституциямизда давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари 3 баробар кўпайтирилди. Бу рақамни айтиш осон, лекин уни амалда таъминлашнинг ўзи бўлмайди. Мамлакатимизда “Қонун — устувор, жиноятга жазо муқаррар” деган эзгу тамойил асосида қонунийликни таъминлаш борасидаги ишларда прокуратура ходимлари жонбозлик кўрсатиши лозим деб ўйлайман.

Янги таҳрирдаги Конституцияда жуда муҳим ижтимоий масалалар ўз аксини топган. Жумладан, бош қонунимизга алоҳида модда сифатида киритилган таълим соҳаси жамиятимиздаги энг долзарб, ислоҳотларни талаб этадиган йўналишлардан биридир. Биринчи навбатда, ўқитувчилар мақомини кўтариш, қадр-қимматини юксакка олиб чиқиш Конституцияда ифодасини топди. Устоз-мураббийлар қадрланган давлатда, биринчи ўринда, ёш авлодни етук кадр, халқ хизматчиси қилиб тарбиялашга замин яратилади. Ўқитувчилар вазифаси баркамол авлодни тарбиялаш билан бирга миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни авлоддан авлодга олиб ўтувчи мутахассислар тайёрлашдир. Шу боис, уларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги қонун билан мустаҳкамланди.

Бир ҳақиқатни чуқурроқ билишимиз, англашимиз шарт. Конституциявий ислоҳотлар замирида, аввало, юртдошларимизга муносиб ҳаёт даражасини яратиш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиш, хусусий мулк ҳуқуқини кафолатлаш, қийноқлар, тазйиқлар, таҳқирларга чек қўйиш, тадбиркорликка ғов бўладиган ҳар қандай иллат билан муроса қилмаслик каби инсонпарвар мақсадлар мужассамлашган.

Шу маънода, иқтисодий соҳада назорат фаолиятини амалга оширишда асосий эътибор иқтисодиёт тармоқлари барқарорлигини сақлаш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир вазифалар ижросига қаратиляпти. Масалан, ўтган даврда 6,2 мингдан зиёд тадбиркорга 752,5 миллиард сўмлик кредит, қарийб 450 нафар ишбилармонга 1700 гектарга яқин ер майдони, 115 нафарига бино, 1,2 мингга яқинига лицензия ва рухсатнома берилишида, 7,5 мингдан зиёдига коммуникация тизимларига уланиши, 8,5 мингга яқинига бошқа муаммолари ҳал этилишида прокуратура органлари томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.

Прокуратура органлари кўмаги билан 6,5 мингдан ортиқ янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди, 7,5 мингга яқин субъект фаолияти тикланди, 18 мингдан ортиқ янги иш ўрни очилиши таъминланди.

Кредит маблағлари талон-тарож қилинишининг олдини олиш, муаммога айланган кредит қарзлари қайтарилишини таъминлаш устидан назорат кучайтирилди. Натижада жами 18,4 триллион сўмлик ёки 69 фоиз муаммоли кредитлар қисқартирилди.

Конституциямизнинг 1-моддасида “Ўзбекистон — суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” деб қатъий белгилаб қўйилгани тарихий аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан асосий қонунда муҳрланган бу принциплар — мамлакатимизнинг тараққиёт йўли ва тақдирини, келажагини белгилаб берган ушбу “бешта устун” ҳеч қачон ўзгартирилмайди. Зеро, бу тамойиллар фақат ва фақат халқимиз, ватанимиз манфаатларини ҳимоя қилиш, тенгсиз ва буюк неъмат — мустақиллигимизни асраб-авайлаш, янада мустаҳкамлаш ва келгуси авлодларга мерос қилиб қолдиришни кўзлайди. Бунда, энг аввало, машаққатли меҳнат, тер тўкиш керак. Давлатимиз раҳбари бу борада қатор вазифаларга тўхталиб ўтди.

Биринчидан, миллий хавфсизликни таъминлаш, Қуролли Кучлар жанговар салоҳиятини оширишга қаратилган ишлар янги босқичга олиб чиқилади.

Иккинчидан, “хавфсиз шаҳар”, “хавфсиз маҳалла”, “хавфсиз кўча” концепциялари жадал амалга оширилади.

Учинчидан, тотувлик, миллатлараро дўстлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятлар сафарбар этилади. Чунки айнан миллатлараро тотувлик — 130 дан зиёд миллат ва элат истиқомат қиладиган Ўзбекистонимизнинг энг катта бойлиги.

Тўртинчидан, дунёдаги ҳозирги мураккаб вазиятда Ўзбекистон тинчликсевар ташқи сиёсатни давом эттириб, узоқ ва яқин давлатлар билан дўстлик алоқаларини, барча соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириб бораверади. Мамлакатимиз ўз мустақиллиги ва суверенитетини таъминлаш мақсадида фақат миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда бундан буён ҳам ўзи танлаган мустақил тараққиёт йўлида ташқи сиёсатини қатъий давом эттиради.

Бош қонунимиз мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Жумладан, яширин иқтисодиётни қисқартириш ҳамда коррупция ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш борасида тизимли ишлар бажарилди.

Жорий йил январь-ноябрь ойларида яширин иқтисодиётни қисқартириш ҳисобига 15,7 триллион сўм қўшимча манба аниқланиб, давлат бюджетига 15,3 триллион сўм ундирилиши таъминланди.

Иқтисодий жиноятлар, хуфиёна иқтисодиёт ва коррупцияга қарши курашиш бўйича кўрилган чоралар натижасида қарийб 8,5 мингта ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 2 мингга яқин маъмурий ва 6,5 мингга яқин жиноят иши қўзғатилди.

Ўтказилган тезкор тадбирлар давомида 1750 та яширин цех фаолияти фош этилиб, 103,1 миллиард сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди. Валютанинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ 350 дан ортиқ ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 1,1 миллион АҚШ доллари ва 10,3 миллиард сўм мусодара қилинди.

Тадбиркорлик билан ноқонуний шуғулланган 13 минг 700 дан зиёд шахснинг тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтиши таъминланди. Виртуал ва Халқ қабулхоналаридан келиб тушган қарийб 150 мингта мурожаатдан 90,6 фоизи ҳал қилинди.

Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан шахсни қийноққа солиш ва қадр-қимматини камситиш ҳамда бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш чоралари янада кучайтирилди.

Жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушган юздан ортиқ ариза ва хабарларнинг барчаси бўйича терговга қадар текширув ҳаракатлари ўтказилди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида тегишли идоралар билан биргаликда маҳаллий давлат ҳокимияти, соғлиқни сақлаш, спорт, олий таълим, қурилиш, камбағалликни қисқартириш ва бандлик тизимидаги ходимлар томонидан содир этилган жиноятлар, айниқса, йўл қўйилаётган коррупциявий ҳолатларнинг сабаб ва шарт-шароитлари таҳлил этилиб, тегишли вазирлик ва идораларнинг кенгайтирилган йиғилишларида уларнинг раҳбарлари ва масъул ходимлари иштирокида танқидий муҳокама қилинди ҳамда зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонунни амалиётга самарали жорий этиш чора-тадбирлари юзасидан қабул қилган қарорида белгиланган талаблар ижросини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз олдида турган энг долзарб вазифалар, Конституциянинг ҳар бир моддаси, ҳар бир банди бажарилиши лозимлиги ҳақидаги фикрлари барчамизни янада масъулиятли бўлишга, юрт манфаати учун ҳалол ва виждонан ишлашга даъват этади.

Ўзбекистон нафақат иқтисодий ислоҳотларни давом эттиради, балки жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш учун ҳам интилади. Зеро, Конституциямизда илк бор Ўзбекистон Республикасига ҳуқуқий давлат деган таъриф берилгани бежиз эмас. Бу, аввалambor, барча соҳада қонун устуворлиги таъминланади, деганидир. Бундан буён қонунлардаги ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал бўлади. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш учун судларнинг одил ва мустақил иш юритишини, албатта, амалда таъминлашимиз зарур.

Асосий қонунимизда ҳеч ким суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги белгиланди. Эркинликни чеклашга фақат суд қарори асосида йўл қўйилиши ҳақидаги қоида мустаҳкамланди. Айбланувчига ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни “сукут сақлаш” ҳуқуқи биринчи марта алоҳида белгилаб қўйилди. Шунингдек, Конституциямизга адвокатура ҳақида алоҳида боб киритилиб, адвокатлик мақоми мустаҳкамланди.

Албатта, асосий қонунга киритилган илғор янгиликларни амалда жорий этиш осон бўлмайди. Бунинг учун юртдошларимизнинг ўзидан ҳам қонуний ҳуқуқлари учун курашиш талаб этилади. “Қарс икки қўлдан чиқади” деганларидек, терговчи, прокурор, судья, адвокатларнинг билими ва малакаси, маънавий дунёсини юксалтириш билан бирга аҳолининг ҳам ҳуқуқий маданиятини ошириш, дунёқарашини ўзгартириш талаб этилади.

Янги Ўзбекистоннинг Конституцияси мамлакатимизнинг янги ривожланиш даврини бошлаб беряпти. Қолаверса, у Учинчи Ренессанснинг пойдевори, десак муболаға бўлмайди. Бу, албатта, барчамиздан жуда катта масъулият ва талабчанликни, ўз ўрнида, жавобгарликни талаб қилади. Ушбу омил Конституцияни жамият ҳаётининг барча жабҳасида тўғридан тўғри ва бевосита қўллаш амалиётига ўтиш имконини берар экан, халқимиз асосий қонуннинг ҳаётбахш кучи ва таъсирини ўз кундалик турмушида теран ҳис этаверади.

Ўзбекистон Республикасининг прокуратура органлари ўз ваколатларини бошқа давлат органларидан, ўзга ташкилотлардан, мансабдор шахслардан мустақил равишда, фақат Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига бўйсунган ҳолда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 145-моддасидан.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.
Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас.
Ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади.
Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас.
Шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Пўлат БОБОЖОНОВ,
ички ишлар вазири,
генерал-лейтенант



Ўзбекистонда жамият, давлатнинг эволюцион ривожланишидан келиб чиқиладиган бўлса, янги таҳрирдаги Конституцияни қабул қилиш биз учун ҳаётий зарурат эди. Бинобарин, ушбу ҳужжат давлатимиз ва халқимизнинг кейинги қадамлари, тараққиёт истиқболларини белгилаб берди.

Кейинги йилларда эришилган муваффақиятлар, хусусан, инсон ҳуқуқлари, одил судлов, сўз ва виждон эркинлиги ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ютуқлар янги таҳрирдаги Конституциямизда муҳрлаб қўйилди. Бу эса уларнинг барчасидан нафақат ҳозирги, балки келажак авлодларимиз ҳам эркин фойдаланиши кафолатланди, деганидир.

Бош қонунимизда Ўзбекистон суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани қатъий белгилаб қўйилди. Шу ўринда “ижтимоий” тушунчасига алоҳида урғу беришни истардим. Бу инсонга эътибор ва ғамхўрлик дегани. Янги таҳрирдаги Конституцияда давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар 3 баробар кўпайтирилди. Ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш, муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш каби ҳуқуқлари шулар жумласидандир.

Янгиланган Конституцияга кўра, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга номувофиқ ҳолда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас. Уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланади.

Республикамизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадларидан бири. Янгиланган Конституцияда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баробардан ортиққа кўпайди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларимиз, ҳар бир вазирлик ва идора фаолиятининг мазмунига айланиши борасида қатъий талаб қўйилди. Бу эса давлат органлари ва мансабдор шахслар ўз фаолиятини “инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширишига замин бўлади. Давлат ва инсон ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликдаги ноаниқликлар, турли тушунмовчиликлар инсон фойдасига ҳал этилади.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда Конституцияга мувофиқ таъминланади. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак. Қонунчиликда белгиланмаган мажбурият ҳеч кимнинг зиммасига ўз розилигисиз юклатилиши мумкин эмас. Бош қонунимизда акс этган ушбу нормалар оддий одамларнинг ҳаётини янада енгиллаштиради.

Бош қонунимиз юртимиз фуқароси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилмаслигини ёки бошқа давлатларга берилмаслигини кафолатлайди. Бу ҳамюртларимизнинг доимий равишда давлат ҳимоясида эканига ишончини мустаҳкамлаб, ватанпарварлик туйғусини жўш урдиради. Шунингдек, хорижда яшаётган ватандошларимиз билан алоқаларимизни сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларига ҳам давлат ғамхўрлик қилиши белгиланди. Ушбу норма чет элларда яшаётган, ишлаётган, таълим олаётган ватандошларимиз ўз юрти билан доимий алоқада бўлишига, тили, маданияти, урф-одатлари ва анъаналарини сақлаб, янада ривожлантиришга, тарихий ватан — Ўзбекистоннинг обрўсини янада оширишга ҳиссасини қўшишига хизмат қилади.

Ўзбекистонда ўлим жазосининг тақиқланиши Конституция даражасида мустаҳкамланди. Бу инсонни ҳаётдан ҳатто давлат ҳам маҳрум этишга ҳақли эмаслигини кафолатлайди.

Шахсни суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб туриш мумкин эмас. Ушбу қоида инсонларни ноқонуний ҳибсга ёки асоссиз қамоққа олишга ва сақлашга йўл қўйилмасликка қаратилган. Шу тариқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ барча ҳаракатларга фақат суд қарори асосида йўл қўйилиши мустаҳкамланди. Яъни одил судловни амалга оширишда “Хабеас корпус” ва “Миранда қоидаси” институтлари янада кенгайтирилди, илк бор айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни “сукут сақлаш” ҳуқуқи берилди.

Унда ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақлилиги белгиланди. Ушбу қоиданинг мазмун-моҳияти шундаки, фуқаролар бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини ўзгалар ҳуқуқларини бузмаган ҳолда мустақил ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Ягона шарт фуқаролар томонидан ўзини ҳимоя қилишда қўлланиладиган усуллар ёки чораларнинг



қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бўлишидир.

Энди ҳар ким Ўзбекистон қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча мавжуд ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, мурожаат этишга ҳақли. Агар халқаро шартномада Ўзбекистон қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистонда халқаро шартнома қоидалари қўлланилиши мустаҳкамланди. Мазкур қоида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси нафақат миллий қонунчиликда белгиланган нормалар, балки халқаро ҳуқуқ асосида ҳимояланишини таъминлайди. Давлат органлари ёки мансабдорлар томонидан шахсларга нисбатан ғайриқонуний қарор ёки хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олади, шахсларга етказилган зарар ўз вақтида ва тўлиқ қоплаб берилишини кўзда тутади.

Бундан буён шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда ўз ҳуқуқлари ва ушлаб турилиш асослари тушунтирилиши шарт. Айбдорликка оид барча шубҳалар агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилинади. Мазкур норма тергов ва суд жараёнида фақат ишончли ва қонуний далиллардан фойдаланишни таъминлайди, натижада шахсни асоссиз равишда жавобгарликка тортилишдан ҳимоя қилади.

Бош қонунимизда гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги мустаҳкамланди. Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги белгиланди. Бу жиноий таъқиб остидаги ҳар қандай шахсга ёки унинг яқин қариндошларига руҳий босим ва турли таҳдидлар ўтказиш, шаъни ва қадр-қимматини камситиш каби бошқа ноқонуний усуллар қўлланилишининг олдини олишга қаратилган олий ҳуқуқий нормадир.

Озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамланди. Шахснинг судлангани ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмас.

Энди ҳар бир шахснинг мамлакатимиз бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини эркин танлаш, юртимиздан ташқарига чиқиш ҳамда Ўзбекистон фуқароларининг ўз ватанига монеликсиз қайтиш ҳуқуқлари Бош қонунимиз даражасида мустаҳкамланди. Ушбу қоидаларнинг барчаси Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларнинг бузилиши ҳолатларига барвақт барҳам беришга хизмат қилади.

Конституцияга адвокатура институтига бағишланган ва адвокатлар фаолияти кафолатларини мустаҳкамловчи алоҳида боб киритилди. Адвокат ва унинг касбий фаолияти давлат ҳимоясида экани, адвокатнинг касбга оид ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан қўриқланиши мустаҳкамланди.

Янгиланган Конституция “шахс — жамият — давлат” тамойилига амал қилган ҳолда демократия, қонун устуворлиги, инсонпарварлик, адолат, ватанпарварлик каби миллий ва умуминсоний қадриятларни ўзида мужассамлаштиради. Айниқса, қонунийлик, тенглик каби конституциявий принципларни таъминлаб беради.

Бу эса ҳар бир инсон учун Ўзбекистонда муносиб ҳаёт кечириш, ўзининг ҳаёти, соғлиғи каби бебаҳо неъматларини ишончли ҳимоя қилиш, баркамол ривожланиш орқали жамиятимизнинг муҳим аъзоси сифатида шаклланиш учун мустаҳкам замин яратилганидан далолат.

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Шарҳ

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИГА ХУСУСИЙ СЕКТОР ЖАЛБ ҚИЛИНАДИ



“Даврнинг ўткир талабларига жавоб берадиган, сифатли, амалиётда самарали ишлайдиган қонунларни қабул қилиш Олий Мажлиснинг энг муҳим вазифаси, керак бўлса, унинг обрўсидир”, деган эди Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил 20 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисидаги нутқида.



Президентимиз жорий йил 27 ноябрда “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонунни имзолади. У 2025 йил 1 январдан кучга киради

Орадан олти кун ўтиб — 26 ноябрь куни эса давлатимиз раҳбари темир йўл ва авиация соҳасидаги давлат компанияларида трансформация жараёни боришига оид тақдимот билан танишар экан, ҳам иқтисодий самарадорлик, ҳам одамларга қулайлик нуқтаи назаридан соҳада катта ўзгаришлар қилинаётганини қайд этди. Бир кундан кейин — 27 ноябрда **“Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонун** имзоланди.

Ҳозир бу воқеаларни кетма-кетликда айтаётганимиз боиси таниқли хитой файласуфи Шан Яннинг **“Яхши қонун халққа ҳурмат ифодасидир”,** деган сўзларини эслаб қолганимизда. Бунга туташ яна бир сабаб эса янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямиз асл моҳиятида кўзда тутилган барча қонун ва қарорларимизда фақат ва фақат халқимиз, Ватанимиз манфаатлари энг устувор ўринда туриши шартлиги тамойилининг ҳаётдаги амалий ифодасига бир қур назар ташлаш эди.

Бу ҳақдаги мулоҳазаларимизни темир йўл транспорти тизимига доир айрим рақамлар билан бошласак. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти таркибида 6 та мустақил корхона ташкил этилди. 1200 та янги юк вагони олинди, ички йўналишда юк ташиш вақти 2 карра камайди. Рақамлаштириш натижасида вагонга буюртма бериш 7 босқичдан 3 босқичга, бунга кетадиган вақт 72 соатдан 12 соатга қисқарди. Тошкент атрофида поездларни ўтказиш имконияти 30 фоиз оширилди. Илгари зарар билан ишлаган акциядорлик жамияти бу йилни 30 миллиард сўм фойда билан якунлаяпти. Бу тармоқ учун тарихий кўрсаткичдир.

Бунга нималар асос бўлди?

Мамлакат фаровонлиги, одамларнинг ҳаёт тарзи, юртимиздаги бунёдкорликлар, ислоҳотлар, умуман, ён-атрофимиздаги барча ўзгаришлар бевосита Бош қонунимизда белгиланган нормаларга боғлиқ. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ҳам Конституциямиз асосида тараққиёт йўлини босиб ўтмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда темир йўл транспорти замонавий инфратузилма асосида ривожланмоқда. Халқаро бозорларга чиқиш учун янги йўллар ётқизилмоқда. Мамлакатимизни бошқа давлатлар билан боғловчи темир йўл транспорти йўли тармоғи яратилмоқда. Йўловчи ва юк ташиш йўналишига оид янги қонун ҳамда бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар бу жараёнда муҳим аҳамият касб этяпти. Темир йўл тармоғини модернизация қилиш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, хусусий инвестицияларни жалб этиш, бошқарув жараёнини рақамлаштириш ва мамлакат транзит имкониятидан самарали фойдаланишга хизмат қиляпти. Хусусан, Президентимизнинг 2023 йил 10 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспорти соҳасини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида темир йўл транспорти соҳасини босқичма-босқич ислоҳ қилишга доир устувор вазифалар белгиланди.

2024 йилда мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутган бунёдкорлик амалга оширилди. Қорақалпоғистонни Хоразм вилояти билан боғловчи 85 километрли “Шовот — Қораўзак” янги темир йўл линияси ҳамда Амударё устидан ўтувчи 423 метрли темир йўл ва автомобиль йўли қўшма кўприги фойдаланишга топширилди. Ҳозир ушбу кўприк орқали бир кунда ўртача 12 мингта автомобиль ҳамда 24 жуфт поезд қатнови амалга оширилмоқда. Мазкур йўналиш масофаси 156 километр қисқариб, поездлар ҳаракати 2 соат 30 дақиқани ташкил этмоқда. Шунингдек, лойиҳага мувофиқ, 241 та сунъий сув ўтказиш иншооти, 10 та темир-бетон кўприк, 1 та туннель типидаги йўл ўтказгич ва 3 та темир йўл ўтказгич қурилиши битказилди. Барча қулайликларга эга “Гурлан” ва “Манғит” темир йўл вокзаллари барпо этилди.

Минтақамизнинг иқтисодий ва транспорт алоқаларини мустаҳкамлашга қаратилган “Хитой — Қирғизистон —Ўзбекистон” темир йўли қурилиши бўйича стратегик лойиҳани амалга ошириш тўғрисидаги битим имзоланди. Мазкур темир йўл Хитойни мамлакатимиз билан боғловчи энг қисқа қуруқлик йўлига айланади.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятининг замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш фаолиятидаги муҳим қадам сифатида янги ахборот технологиялари маркази ташкил этилди. Бу орқали кўрсатилаётган хизматлар сифати янада яхшиланди, иш унумдорлиги ортиб, юқори самарадорликка эришилди. 2023-2025 йилларда темир йўл соҳасига 15 та IT лойиҳа жорий этилиши белгиланган. Ҳозиргача 10 га яқин ахборот тизими ишга туширилди.

Тизимни рақамлаштириш борасидаги энг асосий йўналишлардан бири юк ташишда рақамли технологиялар жорий этилишидир. Бу жараёнда “Ягона дарча” тамойили асосида E-NAKL платформаси яратилди. Ушбу платформа туфайли масофадан туриб темир йўл хизматидан фойдаланиш, вагонларга жойидан туриб тақдимнома бериш, темир йўл ва юк ташувчилар ўртасида электрон шартнома тузиш, қоғоз кўринишидаги ҳужжатларни тўлиқ электронлаштириш, тарифларни ҳисоблашда инсон омилидан воз кечиш орқали коррупция ҳолатларининг олдини олиш имкони яратилди.

Олдин вагонларга ариза бериш учун 72 соат муддат талаб этилган ва жараён 7 босқичда амалга оширилган бўлса, ҳозир сарфланаётган вақт 60 соатга қисқартирилиб, 3 та босқичда темир йўл хизматидан фойдаланиш мумкин. “Ягона дарча” ахборот тизими билан нафақат хизмат кўрсатиш вақти қисқарди, балки электрон ҳужжатлар улуши ҳам 95 фоизга етказилди.

Шундай бўлишига қарамай, тизимнинг асосий фаолиятини белгиловчи “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонунни қайта кўриб чиқиш зарурати мавжуд эди. Чунки бугун давр бошқача, муносабатлар янгича шаклда такомиллашиб, мустаҳкамланиб бормоқда. Бу эса янги ҳуқуқий асосга эҳтиёжни юзага чиқаради.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонуни лойиҳасини тайёрлаш доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, хусусан, ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан танишган эди. Жорий йил 27 ноябрда давлатимиз раҳбари “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонунни имзолади. У 2025 йил 1 январдан кучга киради.

— Қонун 9 боб ҳамда 59 моддадан иборат. Уни қабул қилишдан мақсад темир йўл транспорти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдир, — дейди Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти тергов бошқармаси катта терговчиси, майор Б.Мирзаев. — Қонунда темир йўл транспорти соҳасини давлат томонидан тартибга солиш усуллари, йўловчиларнинг, ташувчиларнинг, вагон (контейнер) операторларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилди. Темир йўл транспортида давлат-хусусий шериклик, ташиш тарифлари, тизимда меҳнатга оид муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ва ходимлар интизоми ҳамда талаблар ва даъволарни кўриб чиқиш каби моддалар мавжудлиги тармоқ ҳуқуқий жиҳатдан тараққий этиши, янада самарали фаолият юритишига замин яратади.

Ушбу қонунга асосан, давлат монополиясидан воз кечилиб, соҳага хусусий секторни жалб қилиш кўзда тутилмоқда. Энди хусусий секторга ҳам йўловчи ва юк ташишга рухсат берилади. Бундан ташқари, соҳани тубдан такомиллаштириш мақсадида хусусий секторга инвестиция жалб қилиш бўйича кенг йўл очилмоқда. Давлат-хусусий шериклик асосида ҳамкорлик қилиш учун имконият яратилади. Шу билан бирга, қонун замонавий нормалар билан тўлдирилиб, такомиллаштирилди.

Бу янгиланиш соҳага хусусий компаниялар ва инвестицияларни жалб қилиш, инфратузилмани ривожлантиришга кенг йўл очади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири
Рустам ҲАЙДАРОВ,
журналист

Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга.
Ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.
Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.
Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек, давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддаси.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Охирги олти-етти йиллик ислоҳотлар натижасини ҳомчўт қилиб кўрсак, чиндан янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ҳар бир кун биз учун аввалари хаёлимизга ҳам келмаган имконият ва истиқболларни яратиб берди, яратишда давом этмоқда. Бу гап қуруқ сифатлардан иборат эмаслиги, самараси аллақачон кўрина бошлаганини биргина ҳаётий мисол билан тушунтирсам: ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, ўрта авлод вакилларини бирдек "думалатадиган" Ҳожибойнинг ҳазилларига бугунги ёшлар ҳатто мийиғида ҳам кулиб қўймайди. Нега? Боиси, Ҳожибой Тожибоев томонидан ўз даврида "қоғозга ўраб" айтилган кўплаб ижтимоий муаммолар айни дамда ҳал этилгани учун ошкор этишнинг имкони бўлса-да, уни танқид қилиш зарурати қолмаган.



СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ХУСУСИДА

уч оғиз эркин сўз



Азизбек ЮСУПОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Ҳа, ўша пайти халқни кулдирган асосий мавзу, аслида, халқнинг ўзи ҳис қилган оғриқ эди. Бугун эса қизиқчи кўтарган мавзуларнинг барчаси, дейлик, пахтага чиқиб мажбурий меҳнат қиладиган ўқувчи ва ўқитувчилар, ўзбошимча тракторчилар, спорт ва таълимдаги таниш-билишчилик, кўзбўямачилик, тор доира учунгина амалда бўлган сўз эркинлиги ва бошқа кўплаб муаммолар ўз ечимини топди. Табиийки, ундан кейин туғилиб вояга етган авлод ўз ҳуқуқи, ўз эркини талаб қилолмай, этагини олиб қор қоплаган пахта эгатига кириб кетишни тасаввурига ҳам сиғдиролмагани учун қизиқчининг ҳазилларига мириқиб кулолмайди. Бундан кейин ҳам кулолмасин, ахир мақсадимиз шу эди-ку — кечаги яралар битиб, чандиғи кўринмай кетсин.

1. Бош қонун даражасидаги талаб

Муайян жамият йиллар давомида сўз эркинлиги, фикр эркинлиги, инсон фаровонлигига эга бўлиб яшаса, кейинчалик мана шу эркинликларсиз ҳаётини тасаввур қила олмайдиган бутун бошли авлод пайдо бўлади.

Сўз ва амалнинг бирлиги ҳам инсонийликнинг ажралмас таркибий қисмидир. Кеча сўзнинг ҳаддан зиёд жозибадорлиги ҳамда амалнинг йўқлиги, сўз ва амал орасидаги юҳодай ҳувиллаб ётган дашт замонамизнинг катта фожиаси эди, бугун шу даштни гулистонга айлантиришга бел боғлаганмиз.

Кеча эркин матбуотнинг номигина қолиб, ҳар бир соҳа бўйича алоҳида муқобил ахборот пайдо бўлганди. Бу ахборот холис инсонлар томонидан қилинмади, натижада у ёки бу янгиликнинг берилишидан манфаатдор қатлам бу ишни ўз зиммасига олди. Ушбу ёлғон ҳисоботлар шаклида ҳам, жойлардаги раҳбарларнинг "чўнтак журналистлари" ёрдамида ҳам амалга оширилди. Кўзбўямачилик, йўқ ютуқларни кўрсатишга уриниш, айбларни хаспўшлаш авж олди. "Юқоридагилар" олдида топшириқлар бажарилаётгани, халқнинг рози экани ҳақида турли иллюзиялар пайдо бўлди. Қарорлар ва қонунлар чиқаришда халқнинг кайфияти, истаклари, эҳтиёжлари акс этмаслик ҳолатлари кўпайди. Ўз навбатида, халқ ҳам юқорида ўз истаклари, эҳтиёжларини кўрмагач, ўртада катта жарлик ҳосил бўлди. Раҳбарлар халқ олдидаги масъулиятини унутганидек, одамлар ҳам давлат олдидаги масъулиятни унута бошлаган эди.

Бугун-чи? Бугун чуқур суриштирувлар олиб бораётган журналистлар фаолиятига кимдир қасддан аралашса, жавобгарликка сабаб бўлувчи Конституция даражасидаги талабни қабул қилмай иложи йўқ. Бугунги сўз эркинлигини ким яратди, давлатми ёки халқ? Менимча, биргаликда яратилди. Жамият шу нарсасиз яшаб бўлмаслигини, сўз ва матбуот эркин бўлмаса, турмуш тарзимиз сира яхшиланмаслигини ҳис қилиб, сўз эркинлигига эҳтиёж сезди.

Сўз эркинлиги, танлов ҳуқуқи ҳам бир масъулият эканини тушунди. Инсоннинг у ёки бу гапни гапириш, у ёки бу фикрдан бирини танлаш имкониятига эга бўлиши унда масъулият туйғусини пайдо қилади. Айнан масъулият бор жойда янги ғоялар туғилади, турғунлик кайфиятидан чиқиб кетилади.

2. Сўз эркинлиги фикр эркинлигидан бошланади

Давлат деб аталувчи ижтимоий ва сиёсий ҳодиса одам табиати ҳамда материя билан туташиб кетган сиёсий институт эканини инобатга олсак, зўравонликка асосланган эскича маъмурий буйруқбозлик тизими қолдиқлари ниҳоят барҳам топиш арафасида турибди, кўппартиявийлик, ғоя ва фикрлар хилма-хиллиги одатий ҳолга айланиб бормоқда.

Аввалги таҳриридан фарқли ўлароқ, Конституциямизнинг янгиланган кўриниши асосий ғояси ҳам шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини, инсон шаъни ва қадр-қимматини таъминлашга қаратилди.

Шунинг ўзи инсон қадрига ҳурмат ифодаси бўлди. Шунинг ўзи мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун тинч ва хавфсиз ҳаёт, фундаментал ҳуқуқ ҳамда эркинликлар, малакали тиббий хизмат, сифатли таълим, кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда соғлом экологик муҳит таъминланишини, муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилманинг босқичма-босқич яратилишини англатди.

Масалан, янги таҳрирдаги Конституцияда ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгалиги белгиланди. Шунингдек, ёзишмалар, телефон сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа маълумотлар сир сақланиши, шахсга доир маълумотлар ҳимоя қилиниши ҳуқуқига эгалиги ҳам Конституция даражасида белгилаб қўйилди.

Эътиборлиси, шахснинг ўзи ҳақида нотўғри тўпланган маълумотларнинг тузатилиши ёки қонунга хилоф равишда тўпланган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб этиш ҳуқуқи ҳам ўз ифодасини топди. Сабаби, ахборий муҳитнинг ривожланиши ва у ҳаётимизни тобора кенгроқ ўраб олиши билан шахсга доир маълумотларнинг ҳам оммага сиздирилиши, ошкор бўлиши эҳтимоли кучайди. Конституция эса инсонларни ана шундай шахсий ҳаётга тажовуздан ҳимоя қилади.

Бош қонунимизга ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эгалиги белгиланиши билан бирга давлат интернет тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароит яратиши алоҳида банд сифатида киритилди. Бунда ахборотни чеклаш фақат қонунга мувофиқ амалга оширилиши демократик норма сифатида белгиланган.

Ахборот воситалари орқали хабарлар тарқатиш ва қабул қилиш ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир. Бугун интернет нашрлар гуркираб бораётган бир даврда ОАВ ривожи ва ҳаётий ислоҳотлар билан янги нормаларга эҳтиёж пайдо бўлди.

Янги таҳрирдаги Конституцияда ОАВ эркинлиги ва улар қонунга мувофиқ ишлаши ҳамда цензурага йўл қўйилмаслиги ҳақидаги мавжуд нормага қўшимча банд сифатида аниқ қилиб давлат оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди деб белгилангани демократик тамойиллар кучайганини кўрсатди.

Очиғини айтганда, ОАВ фаолиятига айрим аралашув ва тўсқинлик қилишлар ҳам юз берди. Шулардан келиб чиқиб, таклифлар асосида Конституцияда цензурага йўл қўйилмаслиги билан бирга оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши мустаҳкамлаб қўйилди. Конституциянинг аввалги таҳририда ҳам цензурага йўл қўйилмаслиги бўйича модда бор эди. Аммо ҳар доим ҳам амалдаги исботини кўрмагандик.

Қонуний асослар, ҳуқуқий кафолатлар етишмаган ёки амал қилмаган жойда сўз қудратга эга бўлмай қолади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, соҳа вакиллари учун сўзнинг қонуний асослари муҳимроқ. Янги таҳрирдаги Конституцияда ана шу ҳолат билан боғлиқ вазиятларда жавобгарлик қатъий белгиланганининг боиси ҳам шунда. Яъни цензурага йўл қўйилмаслиги талаби қонуний назоратга олинсагина, журналистлар чин маънода эмин-эркин ишлайди.

3. Сиёсий фазилат

Сўз эркинлигига чегара керакми? Бу саволга қуйидагича жавоб бериш мумкин: сўз эркинлиги тақдим этадиган чегара макони шунчалик кенгки, аллақандай улкан иш қилиш учун ундан чиқишингиз шарт эмас, унга эҳтиёж сезмайсиз. Аммо чегаралар адолатли ўрнатилмаса, сўз эркинлиги бошқа қадриятлар билан тўқнашганда мақоми мужмал белгиланса, у ўзига қарши ишлай бошлайди — эркинлик қадрияти йўқолади.

Эркинлик қадрияти йўқолса, мойил қалблар шуҳратпарастликка тўлади ва ҳамма таъмагирликни юқтиради. Истак предметлари ўзгаради: илгари севганларини энди севмай қолишади. Илгари қонунларга кўра эркинлик бор эди, энди эса ноқонуний эркинликни исташади. Қоида бўлган нарса энди қаттиққўллик бўлиб туюла бошлайди, интизом бўлган нарса чекловга айланади, эҳтиёткорликни қўрқоқлик, мўътадилликни очкўзлик деб аташади. Шу сабабдан бизга сиёсий тарбия, фазилат керак.

Ҳеч бир бошқарув шакли республика бошқаруви каби тарбия кўмагига эҳтиёж сезмайди. Деспотик давлатларнинг принципи бўлмиш қўрқув таҳдид ва жазолар таъсирида ўз-ўзидан туғилаверади, монархиялардаги шараф инсоннинг лаҳзалик кечинмаларида ўз ифодасини топади ва бир вақтнинг ўзида шараф инсонларнинг таянчи бўлиб ҳам хизмат қилади. Лекин биз каби демократик давлатларда сиёсий фазилат муҳим. Сиёсий фазилат фидойилик, жонбозликдир ва бу фазилатни тарбиялаш доим қийин кечган.

Жамият манфаатини шахсий ҳаётдан мудом устун қўйишни талаб қиладиган бу муҳаббат барча хусусий фазилатлар асосида ётади ва у биз ўйлагандан анча аъло фазилатдир.

Хоҳ у журналист бўлсин, хоҳ муаллим, фидойилик, ҳақ-ҳуқуқидан хабардор, сиёсий, ижтимоий, ахборий саводхон бўлса, бу биз ва биз каби давлатларда алоҳида куч касб этади. Фақат мана шундай одамлар, мана шундай жамият билан ҳар нени ўзгартириш мумкин. Шундагина давлат бошқаруви ҳар бир фуқарога ишониб топширилади.

Қонунларни сақлаб қолиш учун уларга муҳаббатли бўлиш керак. Биз ҳеч қачон монархияни севмайдиган ҳукмдор ёки деспотизмни ёмон кўрадиган деспот ҳақида эшитмаганмиз. Бинобарин, демократияга асосланган мамлакатимизда демократияга муҳаббатни қарор топтириш лозим, айнан шу тарбия билан барча инсонлар эмланиши керак.

Файласуф ва ҳуқуқшунос Шарль Монтескье айтмоқчи, болаларга ватанга муҳаббат туйғусини сингдиришнинг энг тўғри йўли ватан муҳаббатининг оталарда бўлишидир.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ВАТАНПАРВАРЛИККА чорлов

Шаҳзод ОМОНОВ,
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Сурхондарё вилояти кенгаши ҳарбий қисм ва муассасалардаги ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бўлими бошлиғи



Мамлакатимизнинг янгиланган Конституцияси билан яқиндан танишар экансиз, бор бўйича "ватанпарварликка чорлов" деган хулосага келишингиз шубҳасиз.

Жумладан, муқаддиманинг ўзидаёқ: **"Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, энг аввало, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларини ҳамкорлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш, тинчлик ва тотувлик асосида мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга интилиб, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессияларо тотувликни, кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлашни мақсад қилган ҳолда, ушбу Конституцияни қабул қиламиз ва эълон қиламиз"** дейилади.

Халқимиз азалдан қўшни давлатлар билан дўстона муносабатда бўлиб, шодумон даврларда ҳам, рутубатли кунларда ҳам ёндош-жондош бўлиб яшаган, курашган, тинчликка ва юксалишга интилган. Бу бирдамлик эса бугунги кунда нотинч дунё воқеликлари фонида ғоят аҳамиятли.

Сурхондарё учта давлат билан чегарадош. Ҳозирги вақтда бу давлатлар билан алоқалар юқори даражада мустаҳкамланган. Бош қонунимиз эса бу жараёнларда биз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Яқинда Ўзбекистон ва Тожикистон чегарасида икки давлат чегара қўшинлари хатти-ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадида "Пайванд — 2024" ҳарбий-тактик ўқув машғулоти ўтказилди. Асосий мақсад давлатларимиз чегаралари дахлсизлигини таъминлаш, икки мамлакат чегарачиларининг ҳар қандай таҳдидларга қарши биргаликда тура олиш ва ностандарт вазиятларда ўзаро келишилган ҳолда ҳамкорликда ҳаракатланиш бўйича кўникмаларини янада оширишдан иборат.

Бу якдил тайёргарликларни кузатиб, Бош қонунимизда акс этган асослар ғоят аҳамиятли эканини англадим. Кишига миллий ғурур берадиган янгиланишларга бир қур назар ташлаймиз: Конституциямизнинг эски таҳрирдаги 1-моддасидаги "Ўзбекистон — суверен демократик республика" жумласи **янги таҳрирда "Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат"**, дея ўзгартирилган. Бу ҳам мамлакат юксалаётганининг бир ифодаси деб баҳоладим. Шунингдек, 3-моддада "Ўзбекистоннинг давлат чегараси ва ҳудуди дахлсиз ва бўлинмасдир", 61-моддада "Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий, маданий, илмий ва табиий меросини асраб-авайлаши шарт", 64-моддада "Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар", 152-моддада "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади. Қуролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади", 153-моддада эса "Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада Қуролли Кучларига эга", дея белгилаб қўйилган.

Хўш, Бош қонунни билиш кишига, келажак эгалари саналган ёш авлодга нима беради? Аввало, ҳарбий-ватанпарварлик тадбирлари ўтказар эканмиз, уларга Конституция миллий руҳият, ғурур, фахр, ватанпарварликни беришини кузатаман. Бу руҳ, шаън, ватанпарварлик эса юксалиб боришига шубҳа йўқ.

Конституция — менинг тақдиримда

Тўғриси, ёлғиз қолиб, яшашга қизиқишим сўниб бораётганди. Ўзимни ҳеч кимга кераксиз, ҳимоясиздек ҳис этган кунларим бўлган. Бундан жуда ўксинардим. Оёқ-қўлдан куч-қувват, кўздан нур қочган дамда ёлғизланиб қолиш қийин экан.
Ижтимоий ходим ассистенти Ҳанифахон Исмоилова қизимдек меҳрибон, самимий, қўл-оёғи чаққон, ширинсухан. Ҳафтанинг беш кунида икки соат мобайнида уй юмушлари ва бошқа ижтимоий хизматларда менга кўп жиҳатдан ёрдам бериб, кўнглимни кўтаради, қўллаб-қувватлаб, ҳаётга ишончимни оширяпти.

МЕҲРЛИ ЮРТДА МЕҲР ТОПГАНЛАР

Меҳрли юртда меҳрибон инсонлар қалб ҳарорати ва самимиятини ҳамиша ҳис қилиб яшайман. Ёлғизланиб қолганим йўқ. Ҳар куни саховатли кишилар кўнгил сўраб, ҳолимдан хабар олади. Соғлиғим, яшаш тарзим билан боғлиқ камчиликлар имкон қадар бартараф этиляпти.



Бағдод тумани "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази хулосасига кўра, менга ўзгалар парваришига муҳтож шахс сифатида ижтимоий ходим ассистенти бириктирилган. Кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила сифатида олти ойлик моддий ёрдам тайинланди.

Тўғриси, ёлғиз қолиб, яшашга қизиқишим сўниб бораётганди. Ўзимни ҳеч кимга кераксиз, ҳимоясиздек ҳис этган кунларим бўлган. Бундан жуда ўксинардим. Оёқ-қўлдан куч-қувват, кўздан нур қочган дамда ёлғизланиб қолиш қийин экан.

Ижтимоий ходим ассистенти Ҳанифахон Исмоилова қизимдек меҳрибон, самимий, қўл-оёғи чаққон, ширинсухан. Ҳафтанинг беш кунида икки соат мобайнида уй юмушлари ва бошқа ижтимоий хизматларда менга кўп жиҳатдан ёрдам бериб, кўнглимни кўтаради, қўллаб-қувватлаб, ҳаётга ишончимни оширяпти.

Одамлар турмуш тарзида жуда катта ўзгаришлар бўляпти. Қишлоқларга сув келди, йўллар асфальтланди, чироғимиз ўчмай қўйди, дастурхонимиз тўкин, юртимиз тинч. Мана шундай кунларда яшашни орзу қилардик. Кўрсатганига, етказганига шукр. Самимий ёрдам, қўллаб-қувватловлардан куч-қувват оляпмиз.

"Қаҳат" оилавий шифохона пункти ходимлари соғлиғимдан тез-тез хабар олиб, бепул тиббий ёрдам кўрсатиб келяпти. Бу мамлакатимизда инсон қадр-қиммати ҳар нарсадан устун эканининг амалий кўриниши. Қаерда, қандай шароитда бўлсам-да, ҳамиша давлат ва қонун ҳимоясида эканимни ҳис қилиб яшайман, бундан фахрланаман.

Дилоромхон МАҲМУДОВА
Фарғона вилояти Бағдод тумани



Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир. Давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасидан.



www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Матонат тимсоли

САБРНИНГ ИСМИ

ВВС 2024 ЙИЛГИ ДУНЁНИНГ ЭНГ РУҲЛАНТИРУВЧИ ВА КАТТА ТАЪСИРГА ЭГА 100 АЁЛИ РЎЙХАТИГА КИРИТГАН ДЕНОВЛИК ТИКУВЧИ, ТАДБИРКОР ДИЛОРОМ ЙЎЛДОШЕВА ҲАҚИДА ОЧЕРК

У шошиб гапирар, тоза, самимий ҳиссиётларини ифодалай олмаётганидан ўнғайсизланар, гапга йўқман-да, ука, деб бот-бот такрорлар, менга эса, очиғини айтганда, худди шундай муносабат маъқул эди. Чунки унинг ҳар гапидан, ҳар товушидан мен анчадан бери эсимдан чиқариб қўйган тупроқ иси, ҳадсиз осмон ранги, мен ҳеч қачон номини билолмайдиган қушлар сайроғи, умуман, ҳаммасини бир бутун қилиб йиғиш имкони бўлса-да, битта ном бериб бўлмайдиган хотирами, ёқимли алланарса ажралиб чиқарди. Бу илгари қулоқларим сира эшитмаган сабрнинг хотиржам овози эдими ёки сўзнинг тўртбурчак шаклига сиғишни истамаган матонатнинг чуқур тин олишимиди, билолмадим. Уни тинглаш асносида компьютердаги бугун унга доир чиққан ўнлаб мақолалар, янгиликларга ўғринча кўз югуртирдим:



“ВВС 2024 йилги дунёнинг энг руҳлантирувчи ва катта таъсирга эга 100 аёли рўйхатини эълон қилди. Улар орасида Нобель мукофоти совриндори, зўравонликка қарши фаол, олимпиячилар ва деновлик тикувчи, тадбиркор Дилором Йўлдошева ҳам бор. 2022 йил ҳосил йиғими пайтида юз берган бахтсиз ҳодиса оқибатида иккала оёғидан айрилган. Бироқ бу фожиа уни тушкунликка туширмади. У янги кўникмаларни ўрганиш ва ёш ўзбек аёлларига даромад топишда ёрдам беришни истади. Шу сабабли Дилором тикувчилик корхонасини очишга қарор қилди. Тадбиркорлик ва ресурсларни бошқариш асосларини ўрганиб, 40 дан ортиқ аёлга тикувчилик ҳунарини ўргатди. Бир неча ойда корхонаси сезиларли даражада кенгайди. Йўлдошева ишчилар ва мактаб ўқувчилари учун форма тикиш бўйича шартномалар имзолади. Ўшандан буён унинг бизнеси нафақат ўзи, балки ўнлаб бошқа аёллар учун ҳам даромад манбаига айланди”.

Тасаввуримдаги Дилором опани йўқотиб қўймаслик учун фикримни бир жойга йиғишга уринаман. Мана у, тутлар соясида ҳашарчиларга сув олиб кетяпти. Туш вақти ўтиб кетаётган бўлса ҳам негадир шошмасди. Қани энди йўл янаям узоқроқ бўлса-ю, бу тупроқ кўчада кўпроқ юрсам деб ўйларди. Кўчадаги ўз юмушларию ташвишлари билан банд одамлар, орзу ва хаёлларини тепкилаб ўйнаб юрган болалар, дарвозалари олдида ҳаётнинг ёрқин хулосалари ва сабоқлари битилган саҳифалардай бужмайган афт-ангорлари, мусибату ҳасратдан букилган таналарини офтобда тоблаб ўтирган чолларга тўхтамасдан, бир қур назар ташлаб кетарди. У шошмасди, аммо оёқлари юришдан тўхташни истамасди.

— Беш сониядан кейин нима бўлишини ҳеч ким айтолмайди. Ўшанда одатдагидек юргандирман, балки бу мудҳиш ҳодиса содир бўлганидан кейин мен ўзим унинг таъсирини ошириб юбордимми, билмайман, аммо бошқачароқ юрганимни эслайман. Оёқ тортмаётганди эмас, нима десам экан, чанқоқ одам шошмасдан, дастлаб пиёлага қуйиб, оз-оздан ичмайди-ку, идиши билан кўтариб, қониб ичади. Худди шундай... ўша пайт кўпроқ юришни хоҳлагандекман, назаримда... Хуллас, туш вақти. Ҳашарчиларга сувни бериб, комбайнни ўчирманглар, овқатни еволинглар, ўрилганларини ўзим ташлаб тураман, дедим. Чанг юқмасин деб узун халат кийган эдим. Бир қучоқ олиб комбайнга ташладим-у, ортимга бурилишим билан илинди-да ўлгур халат. Бир марта жон ҳолатда оёғимни тортганимни эслайман, шу билан кўзимни шифохонада очдим, — дейди Дилором Йўлдошева. — Кейин айтишдики, операция тўрт ярим соат давом этибди, бир оёғим қолган, лекин гангрена бўлиб кетмаслиги учун уни ҳам олиб ташлашган экан… Бу воқеани эсласам, юрагим зирқирайди, лекин нолимайман, Худога ширк келтирмайман. Сизгача ўнлаб одамга шу ҳодисани тағин бошдан ўтказгандек қилиб айтиб бердим, бугун куни бўйи сарфлашим керак бўлган руҳий қувватим тугади, чамамда.

Мана, икки йил ўтди. Бугун шогирд қизларим бор, кичкина бўлса-да, тадбиркорлик иш ўрни яратишга ҳаракат қилдим. Шу ишни бошлаётганимда, даромадни эмас, фақат бир нарсани — чекка қишлоқдаги бошқа аёллар, қизлар бийдек далада кетмон чопмасин, жазирамада фалон сўм топаман деб соғлиғини йўқотмасин, ҳам салқин, ҳам қўл кир бўлмайдиган жойларда ишласин, улар ҳам бир кун менинг аҳволимга тушиб қолмасин деб ич-ичимдан хоҳлаганман.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Бахтли Дилором... Аёл тағин тасаввуримда, фақат бу сафар ёш қизалоқ кўринишида жонланади. Шарпани ҳайдаш учун у олис болалигидан бери ҳалигача тарк этмаган одатига кўра, деворга улкан қушнинг суратини чиза бошлайди. У бу сурат билан ўзининг ҳали тириклигини ва яшаётганини, ўзини ҳали ҳам ҳайрат ва шавқ тарк этмаганини шарпага кўрсатиб қўймоқчи эди.

Аёл



Оёқларимдан ажралганимдан сўнг, қандай айтсам экан, тушкунликка тушдим десам, тўлиқ очиб беролмаган бўламан. Оғир кечди, ниҳоятда оғир… Ярим тунда, меҳрибон овсинимнинг кўзи илинган пайти ҳаммасига қўл силтаб, кетвераман деб туришга чоғланаман-у, оёқларим энди йўқлиги эсимга тушиб қолади… Дастлаб қайси деворга бошингизни уришни билмай гангиб қоласиз, кейин жазавангиз пасаяди, ўрнини туманли, этни жунжиктирувчи салқин кайфият эгаллаб олади — у жазавадан баттар. Ҳар кеч таъқиб этади, таслим бўлишга чорлайди…

Суҳбатдошимнинг ҳолати аста-секинлик билан менга кўчар экан, унинг хўрсиниғи мен ҳис қила оладиган, кўра оладиган тасвирларда намоён бўла бошлайди: йўл дала узра олтин калавадек чўзилган — ҳаво дим, теварак жизғанак бўлиб куйиб ётарди, юлдузлар лип-лип этиб сўнарди — ҳаводан куйинди ҳиди келар, қоқ ўртасидан ёлғизоёқ йўл кесиб ўтган дала тутаб ётарди. Йўлда ялангоёқ кетаётган барваста гавдали одам тутуннинг аччиғидан ўпкаси узилаётгандек тез-тез йўталарди. Унинг икки қўлида ваҳмкор халат тебраниб борар, зарҳал тугмалари сўнаётган юлдуз шуъласида ярқираб кетарди. Халатда кимдир жим, ҳатто озгина жилмайиш билан атрофни томоша қилиб борарди — у Дилором эди. Кеч тушганига анча бўлганига қарамай, тупроқ иссиқ, барваста одам ҳансираб-ҳансираб, базўр кетиб борар — у йиғларди...

— Таъсирчан бўлиб қолгандим. Ҳар нарса кўнглимга оғир ботадиган пайтлар эди. Шифохонадан чиқиб, уйга келганман, ҳеч ишга ҳафсала йўқ, шифтга тикилиб ётаман — ўйлайман, ўйлаганим сари ичим қоронғига тўйинаётганини ҳис қиламан. Орада менга маҳалладанми ёки туманданми келиб, бирга расмга тушиб, аравача совға қилиб кетишди. Оёқларим қайтиб келгандек хурсанд эдим. Энди озгина қийналиб бўлса-да, ўзим ҳаракатлана оламан, ҳовлини, ҳавони мириқиб томоша қилоламан, дегандим. Аммо ўн-ўн беш кун ўтар-ўтмас, яна ёшроқ кимдир келди-да, аслида, маҳалла тепарогидаги момога эди бу аравача, сизга адашиб бериб юборишган, хафа бўлманг, олиб кетмасам бўлмайди, деди. Иккинчи бор оёқлардан ажралгандек оғриқ ҳис қилдим. Тағин сиқилиб қолдим.

Дилором опанинг барча гапларини аниқ-тиниқ эшитяпман-у, хаёлим мен идора эта олмайдиган қудрат билан кулранг бўёқларда опанинг ҳорғин кайфиятидан хона тиклар, уни шу хона ичига қамар, то бардош етишига ишонч ҳосил қилгунга қадар шарпа билан ёлғиз қолдирарди. Шарпа эса бу узлат ва осойишталикдан қувиб чиқармоқчидай эди. Бу маккор тушкунликнинг хизматкори ҳар сафар хонасида ваҳима чироғини ёққанда шарпа яна ҳам ваҳший, ҳайбатли, бетакрор қўрқув манбаи бўлиб туюлар, Дилором эса уни хонадан ҳайдаб чиқариш учун уринарди. Уни кўрганлар нега бунчалар озиб кетдинг, дея сўрар, бироқ уларга шарпа ҳақида ҳеч нарса дея олмасди, аммо ростдан ҳам гўё қуриб-қовжирашга юз тутган дарахтдек кунма-кун озиб-тўзиб борар, фикри пароканда, ичи бўшаб қолган, у ердаги бўшлиқни шарпа ваҳимасию васвасаси тўлдирганди…

— Йўқ, яқинларимни эзадиган қарор қабул қилмадим, умуман, бу нарса ҳақида ўйламаганман ҳам. Бунга ҳаққим йўқ эди. Фарзандларим, эрим, мен учун куйиб-пишаётганлар ҳурмати таслим бўлгим келмади, — дейди деновлик тикувчи. — Менимча, ҳаёт учун кураш одамда яшашга қизиқишни қайтадан уйғотади. Қизиқиш эса милтиллаб турган умидни лов-лов ёнувчи ишончга айлантириб беради. Хуллас, ўтган иш учун афсусланишни бас қилиб, амалга ошадиган режаларни пишита бошладим: дастлаб маҳалладан, улар барака топишсин, тикув машинаси сўрадим, бир оғиз йўқ демади, беришди. Ишга шу даражада шўнғиб кетдимки, айнан иш мени тушкунлик тўрига хўрак бўлиб қолмаслик учун эрмак, улкан баҳона бўлди. Ундан сўнг субсидия асосида замонавий тикув машинасини кредитга олиб, ёнига қўшдим. Нима тикишимга келадиган бўлсак, қавилган, пахтали чопонлар, келин кўйлаклар, болалар кийимчалари, хуллас, қўлимдан келган ҳамма нарсани тикиб кўраман, ишимдан завқ оламан… Ҳа, айтганча, айтиш эсимдан чиқибди, бу орада менга ўзи юрадиган аравача совға қилишди. Раҳбарларга, энг қуйи ўриндан то давлатимиз раҳбаригача, мингдан-минг раҳмат айтиб қоламан. Мулозамат эмас бу. Бошқа жойлар ҳақида тўлиқ тушунчага эгамасдирман, аммо ишонаман — биздаги беминнат кўмак, ўзбекона меҳр-мурувват бошқа ерда топилмайди. Одам тафтини одам олади, деган оддий гапнинг ҳикматини шу ҳолимда жуда чуқур англаб етдим, борига шукр қилиб, жавлон уриб меҳнат қилишда давом этдим. Қарашларимни ижобий томонга ўзгартиришим билан ишим ўнгидан кела бошлади, уйимга барака қайтди, хотиржамликни ҳис қила бошладим ва бир нарсани тушундим: сиз қандай муносабатда бўлишингизга қараб, юз беражак ҳодисага ҳикматли ёки мудҳиш сифат қўйилар экан. Агар кўнгилни кенг қилиб, эътиқодни мустаҳкам тутсангиз, ўхшамаган юмушдан ҳам яхши нимадир келаверишига ишондим. Ҳатто мен танимайдиган одамлар неча йиллардан бери ҳаж зиёрати учун йиққан пулини шу ёш келинга протез оёқ олиб берайлик, савоби ҳажникидан кам бўлмас деб олдимга таклиф билан келганда йиғлаб юборганман. Яхши одамлар атрофимда кўп эканидан қувонганман, чунки улардан ҳар тонг қувват оламан — бу қувват ўрнини ҳеч нарса босолмайди.



Мана, икки йил ўтди. Бугун шогирд қизларим бор, кичкина бўлса-да, тадбиркорлик иш ўрни яратишга ҳаракат қилдим. Шу ишни бошлаётганимда, даромадни эмас, фақат бир нарсани — чекка қишлоқдаги бошқа аёллар, қизлар бийдек далада кетмон чопмасин, жазирамада фалон сўм топаман деб соғлиғини йўқотмасин, ҳам салқин, ҳам қўл кир бўлмайдиган жойларда ишласин, улар ҳам бир кун менинг аҳволимга тушиб қолмасин деб ич-ичимдан хоҳлаганман. Амаллар ниятга боғлиқ. Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтдим, якка тартибдаги тадбиркор сифатида иш бошладим, субсидиядан фойдаланиб, тикувчилик учун хонани таъмирлаб иш бошладим. Натижасини мен айтмасам ҳам интернет ёки газетадан ўқиб билган бўлсангиз керак.

Тўғриси, ВВСдаги рўйхатдан жой олган Дилоромдан кўра мени бугунги сабр қилишга ўрганган, ҳар нега қаноат қила оладиган, эътиқоди ва ишончини мустаҳкам тута биладиган, наинки эртанги, балки бугунги кун учун ҳам умид топа оладиган, айни дамда бахтли Дилором кўпроқ қувонтиради.

Бахтли Дилором… Аёл тағин тасаввуримда, фақат бу сафар ёш қизалоқ кўринишида жонланади. Шарпани ҳайдаш учун у олис болалигидан бери ҳалигача тарк этмаган одатига кўра, деворга улкан қушнинг суратини чиза бошлайди. У бу сурат билан ўзининг ҳали тириклигини ва яшаётганини, ўзини ҳали ҳам ҳайрат ва шавқ тарк этмаганини шарпага кўрсатиб қўймоқчи эди. Чизиб бўлгунча улкан тошга улкан қуш аксини ўйиб солган ҳайкалтарошдек ҳориб қолди. Лекин бу ҳорғинлик лаззатли ва фароғатли эди. Қушнинг қанотлари парвоздагидай кенг ёйилган, кўзларида қатъият ва жасорат акс этарди, у шу учишида бутун Ер юзини кўтариб учадиган шаҳди бор эди гўё, уни парвоз ва эркидан бошқа ҳеч нарса қизиқтирмас, у ҳамма нарсадан юксак ва баланд эди. Уни ҳеч ким Ер юзига тортиб туширолмас, эркидан айро қилолмасди, ёш қизалоқ — Дилором қушга қўшилиб, осмонларда учиб юрарди. Юксакликда унга ҳеч ким дахл қилолмас, ваҳм, қўрқув, турмуш ташвишлари — ҳаммаси пастда қолиб кетган, у ўз орзуларининг қушига айланиб қолганидан бахтиёр эди…

Азиз БАХТИЁР,
журналист

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 4252.
39932 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Башорат Юнусова
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнерлар: Хуршид Абдуллаев, Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:05 Топширилди — 23:10

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05